


Қуръони карим 145-дарс. Қуръони каримни таржима қилиб бўлмайдами? (иккинчи мақола)



12:00 / 13.07.2021 4235

Вақт ўтиши билан «Араб тилини билмайдиган мусулмонлар Қуръони Карим маъноларини қандай ўрганадилар?» деган савол пайдо бўлди. Гап таржимага бориб тақалди. Лекин уламолар бир овоздан «Қуръони Каримни таржима қилиб бўлмайди», деб туриб олдилар. Уларнинг фикрларича, Қуръони Карим илоҳий, мўъжиза калом бўлиб, унга ўхшаш арабча калом келтириш имкони бўлмаганидан кейин унинг мақсадини бошқа тилда, айти шаклда баён қилиш имкони ҳам йўқ эди. Қуръони Карим савиясида бўлмаган нарсани Қуръон деб аташ эса мутлақо мумкин эмас. Энг муҳими, Қуръони Карим таржимаси, деган даъво билан кишиларни ҳақиқий Қуръондан узоқлаштириш хавфи туғилиши мумкин эди.

Ушбу ва шунга ўхшаш мулоҳазалар асосида «Қуръони Карим таржимаси мумкин эмас» деган қатъий қарор чиқди. Шунинг учун ҳам қадимда бошқа тилларда Қуръони Каримга ёзилган тафсирлар ёки тушунтиришларни учратамиз-у, аммо Қуръони Карим оятларининг бевосита таржималарини деярли учратмаймиз.

Ушбу ҳолатнинг ёрқин намуналаридан бири ўтган милодий асрнинг биринчи чорагида бўлиб ўтган. Ислом ва Қуръонга хайрихоҳ бўлмаган тарафлардан бири ўз тилида Қуръони Каримга битта тафсир ва битта

таржима ёзилишига буюради.

Ўша пайтнинг етук кишиларидан бирлари тафсир ва яна бирлари таржима ёзишга ихтиёр қилинадилар. Таржимон ишни бир оз юриштирганидан сўнг Мисрга боради. Мисрлик уламолар у кишига қилинаётган таржима Қуръони Каримнинг муҳофазаси учун хизмат қилмаслигини, аксинча, ўта хатарли иш бўлиб, шу таржима воситасида катта бир мусулмон халқни ҳақиқий Қуръони Каримдан узоқлаштириш нияти ҳам йўқ эмаслигини англадилар. У киши юртига қайтиб бориб, қилган таржимасини куйдириб ташлаб, «Мен Қуръони Каримни таржима қила олмас эканман», деб айтади.

Демак, милодий йигирманчи асрнинг бошларигача Қуръони Каримнинг таржимасига расмий рухсат берилмаган. Яъни исломий сиёсатда бу иш марғуб иш ҳисобланмаган. Уламоларимиз бу ишни жоиз, деб фатво бермаганлар.

Замон ўзгариб, турли халқлар орасидаги алоқалар ривожланиши асносида Ғарб халқлари ҳам мусулмонлар билан борди-келди қилишга ўтдилар. Мазкур борди-келдилар мустамлакачилик асосида бўлганлиги ҳаммага маълум. Бу омил барча алоқаларга ўз соясини солиб туриши ҳам сир эмас.

Худди ўша омил юзасидан Ғарб халқлари Қуръони Каримни ўз тилларига таржима қилишни бошладилар. Мусулмон халқлари ичида мустамлакачилик сиёсатини олиб борувчилар учун Қуръони Каримнинг маъноларини билиш жуда ҳам зарур эди.

Шунинг учун ҳам Қуръони Карим маънолари асосан Ғарб мустамлакачилигининг содиқ аскарлари – шарқшунослар томонидан таржима қилинганини кўрамиз. Улар мазкур таржималарни ўзларича, ҳавои нафслари хоҳлаганича қилдилар ва уларни Қуръон деб номладилар. Улар кўпроқ асл арабча матндан эмас, бошқа тилларга қилинган таржималардан ўз тилларига ўгирганлари ҳам сир эмас.

Ана шу таржималарни нафақат мустамлакачилар, балки уларнинг тилини биладиган баъзи мусулмонлар ҳам ўқий бошладилар. Чунки ҳар бир мусулмонда Қуръони Карим маъноларини билиш орзуси бўлиши турган гап. Шунингдек, ҳар бир мусулмон ҳам араб тилини билмаслиги ҳам аниқ гап.

(Давоми бор)

«Қуръон илмлари» китоби асосида тайёрланди